



**Истиқболли лойиҳа
учун ҳоким ёрдамчиси
кафиллик берса...**

4-с.

Илдизини топсангиз, иллат барҳам топади

Тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларини аниқлаш ва хулоса беришда
маҳалла ижтимоий ходимида аниқ ваколатлар борми?



7-с.

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2024 йил
18 июль,
Пайшанба

Mahalla

№39
(2177)

WWW.UZMAHALLA.UZ

БУГУНГИ СОНДА:

Қарздор фуқаро хорижга чиқса бўладими?

Банкдан кредит олган шахс кредит шартномаси шартларига мувофиқ, тўловларни ўз вақтида амалга ошириб келаётган бўлса, хорижга чиқишига ҳеч қандай чеклов бўлмайди. Кредити бор шахсга фақат битта ҳолатда — кредит қарздорлиги ижрога қаратилганда чет давлатга чиқишга тақиқ қўйилади.

4-с.

Тушум кўпайгани сари самарадорлик ортыпти

Олдинлари маҳалланинг солиқларни йиғишдаги роли ва манфаатдорлиги, солиқларни маҳалланинг инфратузилма муаммоларини ечишга қаратиш бўйича мослашувчан тизими йўқ эди. Ушбу муаммонинг ечими сифатида маҳалла бюджети тизими йўлга қўйилди.

5-с.

Қўл бармоқ излари такрорланиши мумкинми?

Тажрибамиз давомида шундай ҳолатлар ҳам бўлганки, ҳодиса содир бўлган жойда қўл бармоқ излари аниқланмасдан, бир дона дераза тоқчасида оёқ изи аниқланган. Ушбу оёқ изи гумондор шахслар орасида текшириб кўрилганда жиноятга алоқадор шахсга тегишли экани маълум бўлди.

6-с.

Оиладаги барака — эр ва хотиннинг биргаликдаги ҳаракатида

Атрофимда шундай интилувчан ва шижоати баланд аёллар борлиги менга куч бағишлайди. Уларни бошқа аёлларга намуна қилиб кўрсатишдан чарчамайман. Иш жараёнида кўпроқ қийналган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳамда нотинч оилаларга эътибор қаратаман. Эрталабдан кўчабошиларга кўнғирок қилиб, вазиятни ўрганаман.

8-с.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатиш!
@mahalla_raistari
@mahalladosh_1
@mahalladosh

Газетанинг телеграмдаги «uzmahallabot»га ўтиш учун QR-кодни сканерланг!

“Еттилик”нинг ҳамкорлиги ҳозирги куннинг кечиктириб бўлмас вазифасига айланган

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасида жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида маҳалла тизимида амалга оширилган ишлар, келгуси вазифаларга бағишланган йилнинг бўлиб ўтди.

Унда “маҳалла еттилиги”нинг юқори турувчи ташкилотлари — Уюшма, Ички ишлар вазирлиги, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Ёшлар фалояти агентлиги, Хотин-қизлар кўмитаси, Солиқ кўмитаси, Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги масъул раҳбарлари, Уюшманинг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, “еттилик” аъзолари иштирок этди.

Йиғилишда ўтган олти ой давомида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг

амалга оширилган ишлари, “маҳалла еттилиги” ҳамкорлигида маҳаллаларда йўлга қўйилган тажрибалар, бандликни таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, миграция, ёшлар ва хотин-қизлар билан ишлаш, ижтимоий кўмак кўрсатиш борасидаги вазифалар ижроси тахлил қилинди. Бугун барча масалалар маҳалланинг ўзида ечим топишига ургу берилётгани таъкидланди.

Давоми 2-, 3-саҳифаларда.



САҲҲИСОБ

“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” ФАОЛИЯТИГА ДОИР ТАВСИЯЛАР

ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ — ЖАМИЯТНИНГ ДАЪВАТКОР СЎЗИ, КУЧИ ВА ТАШАББУСКОРИ БЎЛМОҒИ ШАРТ. БУ — ПРЕЗИДЕНТ ТАЛАБИ!

(Тўртинчи мақола)

Ўзбекистон — ёшлар мамлакатидир. Зеро, аҳолининг 60 фоиздан зиёдини ёшлар ташкил этади, бу рақам йилгиларнинг кўпчилигини ўй-фикри билан эгиндан танишсин, муаммосига вақтида ечим топиш, орзу-умидларига қанот бўлиш зарурлигини аниқлатади. Аслида ҳам, ёшлар келажакига дахлдор вазифалар ижросида ҳеч биримизнинг четда туришга ҳаққимиз йўқ.

Эътибор берилса, мамлакатимиз тарихида ҳеч қачон ўғил-қизларга бугунгидек кенг имкониятлар яратиб берилмаган. Ўзимдан қиёс, йиллар давомида ёшларга алоқадор ташкилотларда фаолият юритдим, доимий равишда улар билан мулоқотда бўлдим, ўй-ташвишлари, дардларини ич-ичимдан ҳис этганман. Керак бўлса, қайсидир масалаларда улар каби куюнганман. Бугун-чи, бугун вазият тамомилан бошқача. Кейинги пайтларда ёшларга эътибор, уларнинг келажакига ғамхўрлик, дахлдорлик ҳисси ҳар қачонгидан-да ортиди. Юртимиздаги ислохотлар мазмунига эртаимиз эгаларига доир муҳим масалалар кири-

тиди. Уларни узоқ йиллар кийнаб келган муаммоларни ҳал этиш талаби илгари сурилди. Зеро, маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний таъкидлаганидек, “Хар бир миллатнинг саодати, давлатнинг тинчи ва роҳати ёшларнинг яхши тарбиясига боғлиқдир”. Ёшлар билан ишлаш — ҳар доим энг мураккаб, энг қизиқарли, шу билан бирга, энг шарафли юмуш бўлган. Яна бир ҳақиқат шуки, бугунги ёшлар кечаги ёшлар эмас, уларнинг онги, дунёқараши, орзу-истаклари, талаблари ўзгарди. Улар сиёсий жараёнларда фаол қатнашиб, ўз фикрини дадил айтаётир.

Фазлиддин АНВАРОВ, “Мард ўғлон” давлат мукофоти соҳиби.

Шу билан бирга, ҳали чекка-чекка ҳудудларда иқтидори, истеъдоди рўёбга чиқарилмаган, ўз имкониятларини тўла намоиш этмаган ёшлар ҳам борки, улар билан тизимли ишлаш зарурати бор. Зотан, ёшлардаги шижоат, садоқат, янгилликка интилиш, ҳар бир масалага креатив ечим топа олишдек хусусиятлардан унумли фойдаланиш керак.

Шу маънода ёшлар етакчиси лавозимининг маҳаллада иш бошлагани бежиз эмас. Бу орқали ёшлар ўзлари дуч келган ҳар қандай масалада ёрдамни узоққа бормади, маҳалланинг ўзида топа олишига имконият яратилади. “Тенгдош — тенгдошга” тамойили уларни ижтимоий фаолликка ундайди. Айни жиҳатдан Президентнинг ишончли вакиллари — ёшлар етакчилари айнан маҳаллаларда фаолият юритиши ҳар жиҳатдан фойдали бўлмоқда. Ўтган даврдаги ишлар сарҳисобига назар солсак, ёшлар билан ишлангани маҳалла даражасига туширилгани нечоғли тўғри танлов бўлганини кўраимиз.

Давоми 2-, 3-саҳифаларда.

ЯНГИ ЛОЙИҲА

“Mahalla yordami” боти ишга тушди



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Самарқанд вилояти бошқармаси ҳамда вилоят ақлига бошқармаси ҳамкорлигида “Mahalla yordami” телеграм боти ишга тушди.

Мазкур бот орқали дастлабки босқичда фақат “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ҳамда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимига киритилган фуқаролар учун қонунчиликда белгиланган имтиёз турлари, улардан қандай фойдаланиш мумкинлиги, қайси ваколатли органга мурожаат қилиш, имтиёزلарни қўллаш тартиби ва муддатлари ҳақида батафсил маълумот олиш мумкин.

QR-кодли маълумотлар вилоят ҳудудидаги барча маҳалла фуқаролар йиғинларига тарқатилган. Ҳозирда ботдан фойдаланиш имкониятларини ошириш, яъни амалдаги қонунчилигимизда мавжуд барча жисмоний ва юридик шахсларга берилган имтиёзлар ҳақида ботга маълумот киритиш ишлари олиб бориляпти.

ТАҲЛИЛ

Алимент маншамаси: меҳрни ким ундириб беради?

Ҳар қандай ҳолатда онлаш саклаб қолиш учун барча бирдек ҳаракат қилиш керак. Бу фақат эр ва хотиннинг эмас, фарзандлар такдир, келажак, руҳий ҳолатига боғлиқ масала. “Майли, ажрашдингиз, дейлик, алимент бўйича муаммоларни ҳал қилдингиз. Мажбурий ижро бюроси маблағини ундириб берар, аммо меҳрни кимдан сўраб оласиз? Оғалик мухаббатини қаердан топасиз?”, деган савол кўпда ушбу кўйилса, айримларнинг чуқурроқ мулоҳаза қилишига, ҳаттоки тупушб етишига, қарордан қайтишга туртки бўлиши мумкин.

8-саҳифада.



Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров 18-19 июль кунлари ДАВЛАТ ТАШРИФИ билан мамлакатимизда бўлади.



Президент раислигида биринчи ярим йиллик таҳлили ва йил якунига қадар устувор вазифалар юзасидан ВИДЕОСЕЛЕКТОР ЙИГИЛИШИ ўтказилди.



Президент Шавкат Мирзиёев Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳим билан ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ қилди.

Ёшлар етакчиси — жамиятнинг ташаббускори бўлмоғи шарт.

(Тўртинчи)



Қахрамон ҚУРОНБОЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси, сиёсий фанлар доктори.

Бу — йўл бошидаги ишларимиз натижаси. Олдинда қиладиган кўп юмушлар бор. Албатта, уларни амалга ошириш осон кечмайди. Аммо сидқидилдан ҳаракат қилсак, интилсак, мақсадга, албатта, эришамиз.

Бунинг учун Сиз, ёшлар етакчилари биринчи навбатда маҳалладаги давлат вакили бўлиш баробарида, ёшларнинг яқин дўсти, маслакдоши, кўмакчиси сифатида ўзингизни намоен этинг. Шунда ҳудуддаги йигит-қизлар ортингиздан эршади, маслаҳатингизга қўлоқ тутади.

Ҳар бир соҳада ўзингиз ибрат ва намуна бўла олинг! Зеро, етакчиликнинг, ўз ортидан эрғаштиришининг энг тўғри йўли — шахсий ўрнак ва намуна бўлиш.

МАҲАЛЛАНГИЗДА ИШСIZ ЁШЛАР БЎЛМАСЛИГИГА ЭРИШИНГ!

Ёшлар муаммоларини ҳал қилиш ва салоҳиятини юзага чиқариш, уларни талаб юқори бўлган касб-хунарга ўқитиш орқали бандлигини таъминлаш — мамлакатимизнинг нафақат бугуни, балки эртанги келажagini белгилловчи омилдир.

Шундай экан, ёшлар бандлигини таъминлашда, сизлар жамиятнинг олдинги сафида туриб, ислохотларга камарбаста бўлишингиз керак. Ҳар йили меҳнат бозорига кириб келаётган ёшлар бандлигини таъминламас эканмиз, олдимизга қўйилган вазифаларнинг ижросига эриша олмаймиз. Банд бўлмаган ёшларда кўплаб муаммолар учраши кундай равшан.

Ҳурматли ёшлар етакчилари! Аввало, ишсиз, норасмий секторда банд бўлган ва чет элга ишлагани кетган ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратишингиз керак.

Унутманг, ёшлар бандлигини таъминлаш ҳудуддаги аксарият муаммоларга ечим бўлади. Чунки барча иллатлар бекорчиликдан келиб чиқади. Шу боис маҳалладаги ишсиз ёшлар ва мактаб битирувчилари бандлигига кўмаклашиш, Ёшлар бандлиги дастури ни сифатли амалга ошириш, хатлов натижасида аниқланган ишсиз ёшлар бандлигини таъминлаш доимий эътиборингизда туриши лозим.

Биринчи навбатда Ёшлар дафтари тизими орқали йигит-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммосини ҳал этишга интилинг. Ёшлар баланси асосида давлат кўмагига муҳтож ёшларни сектор ва ташкилот раҳбарларига бириктириб, йил якунига қадар уларни тўлиқ яшил тоифага ўтказиш чораларини кўринг. Тадбиркорлик қилиш истагидаги ёшларнинг бизнес лойиҳасини молиялаштириш учун имтиёзли кредит маблағлари ажратиш билан бандлигини таъминлашга ёрдамлашинг. Имкониятингиздан тўлиқ фойдалансангиз, Ёшлар бандлиги дастури орқали маҳаллани ёшлар ўртасида ишсизликдан ҳоли ҳудудга айлантира olasiz.

Ҳозирги кунда ёшларбоп истиқболли соҳа, бу — рақамли технологиялар. Шу боис Ҳар бир маҳалладан икки нафар дастурчи лойиҳаси асосида битирувчиларни меҳнат бозорига талаб юқори бўлган замонавий касбларга, IT соҳасига, хорижий тилларга ўқитишга эътибор қаратинг.

Юқори синф ўқувчиларининг касбий мойиллиги бўйича ўтказилган таҳлиллар асосида касбга йўналтирсангиз, ёшларнинг мактаб давридан касб-хунарга эзалашга бўлган қизиқшини ошириб борсангиз, ҳеч бўлмаганда битта касб эгаси бўлишига замин яратган бўласиз.

Ёшларни фойдали даромад олиши учун қўлай шароит яратиш бериш, Ёшлар дафтари дағи ўғил-қизларга ажратилган кредитлардан тўғри фойдалана олишлари, мустақил равишда тадбиркор бўлиб, оёққа туришларида амалий кўмак бериш — асосий вазифангиз эканини асло унутманг!

Бунинг учун ёшлар билан янада яқин бўлинг, қалбига йўл топинг. Сизнинг фаолиятингиз ёшларнинг муаммосини бартараф этиши, эртанги ҳаётга ишончини уйғотиши каби амалий ҳаракатларда намоен бўлсин! Тадбиркорликка қизиққан, ўз бизнесини йўлга қўйишни хоҳлаган йигит-қизларга елка тутинг.

Унутманг, битта ёш тадбиркор лойиҳаси амалга ошса, камда 3 та янги иш ўрни яратилади.

Аҳоли бандлигини таъминлашда қишлоқ хўжалигида имкониятлар кенг. Олдинги йилларда шу мақсадда 200 минг гектар пахта ва ғалла майдонлари қисқартирилиб, деҳқончилик учун бўлиб берилган бўлса, бу йил рақамлар салмоғи янада ортган.

Президентимизнинг Ёшларга ер ажратиш орқали уларнинг даромадларини оши-



Иқтидорли ёшларни излаб топшиш, истеъдодини рўёбга чиқариш ва уларни қўллаб-қувватлашга кўмаклашинг. Жумладан, иқтидорли ёшларнинг рўйхатини шакллантиринг, муаммо ва тақлифларини эшитиб, амалий ёрдам беринг.

риш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, янги ер майдонларини ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорни асосида йўлга қўйилган ишсиз, миграциядан қайтган йигит-қизларни қисқа вақтда мулкдор ҳамда даромадли қилишга қаратилган янги тартибга кўра, туман ҳокимлари ерни сув таъминоти яхши жойдан ажратишга масъул бўлди. Маҳалла еттилиги тақлифи билан ер ажратибли, ёшлар Агробанкининг Фермерлар мактабида ҳосилдор экспортбоп экинлар етиштиришга ўқитилмоқда. Мини-техника, уруғ ва кўчатлар сотиб олишга Ёшлар дафтари жамғармаси ҳамда Фермерлар жамғармасидан субсидия ажратилмоқда. Деҳқон ёшларга экспортчи ва қайта ишловчи тадбиркорлар кооперация асосида бириктирилмоқда.

Бу улкан режа ва вазифаларни амалга оширишда бор куч ва имкониятнингизни сафарбар этишингиз, ташаббусни қўлингизга олиб, маҳаллангиз ва тенкурларингизнинг ҳаётини яхшилашингиз зарур.

Ҳудудларга хизмат сафарим давомида берилган имкониятдан самарали фойдаланаётган ёшлар етакчилари тажрибасига гувоҳ бўлялман. Масалан, Бухоро туманида 1 414 нафар ёшга 25 сотихдан 519 гектар ер ажратилиши натижасида шунча йигит-қиз бандлиги таъминланган. Ёки Бекобод туманидаги Олтин водий маҳалласида яшовчи, деҳқончилик қилиш истагида бўлган 20 нафар ёшнинг ҳар

бирига энг серҳосил ва суви сероб ер майдонларидан жой ажратиб берилган. Бу орқали маҳалладаги 20 та оила бюджетига қўшимча даромад манбаи кириб келди.

Ёшлар бандлигини таъминлашнинг яна бир манбаи — томорқачилик. Томорқадан самарали фойдаланиб, юқори даромад олиш учун кичик иссиқхоналар қуриш мумкин. Бунинг учун ёшларга кредит ҳисобидан иссиқхона қуриб беришни йўлга қўйиш мумкин. Агар атрофдагиларга маслаҳат берувчи инсон шу йўналишда ўзи намуна бўлса, натижадорлик янада яхшиланади.

Ташлоқ туманидаги Юқори қишлоқ маҳалласи ёшлар етакчиси Абдумўмин Мусақоновнинг бу йўналишдаги ташаббуси эътиборга молик. У томорқадан самарали фойдаланиш мақсадида, аввало, ўзи намуна бўлмоқда. Хонадондаги 10 сотихли томорқада 3 та иссиқхона ташкил этган. Бундан руҳланган ўнлаб маҳалла ёшлари унга эргашиб, деҳқончилик фаолиятини бошлаган.

Ишсиз ёшларни касб-хунарга ўқитиш орқали бандлигини таъминлаш имкониятидан самарали фойдаланинг. Келажак касблари лойиҳаси асосида билимли, меҳнатсевар, замонавий касб ва хорижий тилини пухта ўзлаштирган, ҳаётда ўз ўрнини топа оладиган ёшларни кашф этиш ва қўллаб-қув-

ватлаш имконияти яратилган. Уйчи туманидаги Янгиер маҳалласи ёшлар етакчиси Ҳусниддин Хасанов Ёшлар дафтарида рўйхатда олинган 23 ёшли Азизбек Абдуҳаллилова лойиҳа доирасида зарур кўмак кўрсатган. Натижада кечганина ишсиз бўлган ёш бугун United Soft компаниясида ани-матор бўлиб фаолият юритмоқда.

МИГРАЦИЯДАГИ ЁШЛАРГА МУНОСИБ ИШ ТОПИШГА КЎМАКЛАШИНГ!

Олдимизда турган яна бир муҳим вазифа — миграциядаги ёшлар билан янада самарали лойиҳалар ташкил этиш. Маълумотларга кўра, юртимизда ҳар йили ўрта ва ўрта махсус, касб-хунарга муассасаларини қарийб 600 минг ёш битиради. Уларнинг чорак қисми олий ўқув юртиларига қабул қилинса, қолгани мустақил равишда, жумладан, хориждан иш қидира бошлайди. Хорижга иш излаб кетаётганларнинг аксарияти ёшлар.

Эътибор беринг, ҳозир миграциядан қайтган ҳамюртларимиз хорижда ишлаб, умримиз ўтиб кетяпти, болаларимиз катта бўлганини кўрмабиз, ота-онамизга хизмат қилолмабиз” деяпти. Бугун давлат меҳнат мигрантларини Ўзбекистонга қайтариб, уларга шу ернинг ўзида даромад топиш ва банд бўлиш имкониятларини яратиш бермоқда. Биргина Сайхунобод тажрибаси деб атаётганимиз — туркум чора-тадбирлар доирасида гувоҳи бўладикки, айрим қишлоқларда шундай оилалар борки, улар

САРҲИСОБ

“Еттилик”нинг ҳамкорлиги кечиктириб бўлмас



Санжар ИБРОҲИМОВ.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда маҳалла еттилиги ходимлари аксарият ҳолатларда тарқоқ ишлаётгани, маҳалла раиси бошчилигида маҳаллани ривожлантириш учун бирлашмаётгани

қайд этилди. Аҳоли муносабатлари билан ишлаш борасида фаолият суст экани таъкидланди. Шу билан бирга, олиб борилган савй-ҳаракатлар натижасида 821 та маҳалла ишсизликдан холи ҳудудга, 5268 та йиғин жиноятчилардан

қоли маҳаллага айлантилгани эътироф этилди. Йиғилишда қайд этилганидек, бугунги кунда барча маҳаллалар 25 та йўналиш, 401 та кўрсаткичдан иборат маҳалла балансига эга. Бу — маҳалланинг умумий қийфасини акс эттирувчи яхши

маълумотлар жамланмасидир. Ёни, Республикада илк бор умумий ишсизлар, кам таъминланган оилалар, хоржга ишлаш учун кетган фуқаролар, ногиронлиги бор, боқувчисини йўқотган оилалар, ижтимоий дафтларда турувчи оилалар, пробацция ва профиллактик ҳисобда турувчилар, ажралиш ёқасидаги оилаларнинг ягона комплекс баланси шакллантирилди.

Аҳоли муаммоларини бартараф этиш бўйича Иўл харита”лар ва ҳар бир маҳалла Омбор китоби” ишлаб чиқилди. “Еттилик” вакиллари алоҳида юритаётган тарқоқ платформалар ўрнига “Рақамли маҳалла” ягона электрон платформаси ишга туширилди. Платформага маҳалла баланси, аҳолига кўрсатиладиган ёрдамлар, субсидия, грант ва кредит олган шахслар, иш беришчи ва ишсизлар, никоҳ маълумотлари, миграцияда юрган фуқаролар, 3 та дафтарадаги шахслар, еттилик”ни ҳақолаш натижаси ҳақида маълумот киритилди.

МАҲАЛЛА ВА БАНК ҚАНЧА ОДАМНИ ИШЛИ ҚИЛДИ?

Президент Шавкат Мирзиёев жорий йил март ойида Яккасарой туманидаги “Дилбулак” маҳалласига ташриф буюриб, иқтисодий комплекс фаолиятини маҳаллаларда ташкил этиш бўйича тақдимот билан танишган эди. Шу куни давлатимиз раҳбари Банку мутасаддиларини маҳаллаларга бириктириш бўйича кўрсатма берди. Бугунги кунда маҳаллалар оддий идора эмас, бизнес корпорацияларга айланаётгани бу амалиёт қанчалик ижобий самара бераётганини яққол ифодаляйди.

Жорий йил 20 мартдан бошлаб, барча маҳаллага 16 та банкнинг масъуллари бириктирилиб, ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш” бизнес дастури ишлаб чиқилди. “Маҳалла еттилиги” ва банклар ҳамкорлигида жорий йилда 836 050 нафар ишсиз фуқаро бандлигини таъминлаш кўзда

тутилган бўлиб, шу кунгача 490 054 нафари ишли бўлди. Шунингдек, 4 млн. 435 мингта хонадонда томорқадан самарали фойдаланиш йўлга қўйилди, 522 749 та хонадонда қўшимча даромад манбаи яратилди.

Йиғилишда ташқи миграцияда юрган фуқароларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, қайтган фуқароларни иш билан таъминлаш — Уюшма фаолиятининг устувор йўналишларидан экани қайд этилди. Айни йўналишдаги рақамларга эътибор берсак, “маҳалла еттилиги” ташқи миграцияда юрган 1 млн. 419 минг 588 нафар фуқарони халтовдан ўтказди. Улар билан онлайн мулоқот қилиниб, ҳар бир маҳаллада тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Натижада ўтган олти ойда 224 805 нафар фуқарони Ватанга қайтаришга эришилди. Бугунги кунда уларнинг 31 637 нафари ишга жойлаштирилди.



“Ногиронликни белгилаш тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ қабул қилинди.



Президент қарорига кўра, ногиронликни ЭЛЕКТРОН ТАРЗДА белгилаш тартиби йўлга қўйилади.



28 та туман-шаҳар ҳокимига нисбатан интимиозий жазо чоралари қўрилади, 9 та туман ва 1 та шаҳар ҳокими ИШДАН ОЛИНАДИ.

ТАКЛИФ

Бир хонадондаги беш маҳсулот мўл даромад келтирди

Ўтган икки ярим йиллик тажрибадан келиб чиқиб, айтаманки, ҳоким ёрдамчиси аввалданбор, тадбиркор, уйдабурон ва муаммадан қочмайдиган бўлса, одамларнинг ишончига кира оларкан. Бунинг учун ўзига ишончи, низоий вазифаларини бекамму кўст адо этиши учун бор салоҳиятини бағишлаши даркорлигини ҳис қилдим.

Бахтиёр ТАНИҚУЛОВ,
Қўштепа туманидаги “Қийқи” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Маҳалламизда 4 730 нафар аҳоли яшаса, жорий йил хатловда уларнинг 38 нафари ишсиз сифатида рўйхатга олинган. Хатлов натижасига кўра, олдими бир қанча режалар белгиладим. Энг асосийси, янги иш ўринлари яратиш ҳисобига маҳаллани ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш эди. Босқичма-босқич олдимига кўйган мақсадимга етганман. Жумладан, ишсиз фуқароларнинг 32 нафари рўйхатдан чиқарилди. 22 нафарига узоқ муддат фойдаланиш учун ер ажратилган бўлса, 8 нафарига имтиёзли кредит, 2 нафарига субсидия берилди. Маҳалладаги бўш иш ўринларини ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг мавсумий ишчиларга бўлган талабни аниқлаш орқали биринчи навбатда, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшлар ва хотин-қизларни бўш иш ўринларига жойлаштириш ҳамда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этишга ҳаракат қилганман.

Оилавий тадбиркорликни ривож-
лантириш, бунинг учун кредит олишда кўмаклашиш, маҳалланинг ихтисослашувида келиб чиқиб, кооперация асосида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагини билдирган етакчи тадбиркорларга имтиёзли кредит ажратишни ташкил этишга алоҳида эътибор берганман.

Шу йилнинг ўзиде 25 нафар тадбиркорга 700 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилишига эришдим. Томорқадан унумли фойдаланишни ташкил этиш, уй шароитида деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик, кўнчилик, асаларичилик, урунчилик, кўччилик, гулчилик каби фаолият турларини йўлга қўйишга кўмаклашдим. Натижада ўтган даврда маҳалламизда тадбиркорлар сафи ортиб, 10 нафарга етди. Аҳолининг 1 480 нафари доимий ва 120 нафари мавсумий иш билан таъминланди. 130 нафар ёшлар ва аёллар ўқув курсларига йўналтирилди. Бугун маҳалламизда камбағал хонадонлар деярли қолмади.

Худудимизда хунармандчилик,
боғдорчилик соҳалари янада ривожланиб, 130 та оила ўзини ўзи банд қилди. Фаоллар билан ҳамжиҳатликда маҳалламизда илғор тажрибаларни қўллашга интиляпмиз. “Сайхунобод тажрибаси”ни қўллаётган хонадонлар даромади тобора ошиб бораётганини биргина оила мисолида таҳлил қилиб берай.

Сардоба кўчаси, 111-ўйда яшовчи Сиддикжон Тошболтаев хонадониде ота-она, ака-ука, фарзандлар бўлиб, жами 12 нафар киши яшайди. Томорқа майдони 28 сотихдан иборат. Экин экиладиган қисмида турли навли узум етиштирилади. Сайхунобод ва Уйчи тумани намунаси асосида ушбу хонадон танлаб олингани бежиз эмас. Чунки бу хонадон эгалари илгари фақат узумчилик билан шуғулланарди. Энди бешта йўналишда даромад олишига имкон яратилди. Новвойчилик, асаларичилик, паррандачилик, кўнчилик, юк ташиш хизмати ва яна биоғумус тайёрлаш бўйича иш ташкил этилди. Бунинг учун “Хар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида “Халқ банки” туман бўлими-дан 57 миллион сўм кредит ажратилди. Имтиёзли кредит асосида 8 та тандир, 4 та асалари оиласи, 30 дона парранда, мотороллер ҳамда хомийлик ҳисобидан 5 дона кўён олиб келинди.

Хисоб-китоб қилиб кўрсак, хонадон аҳли 8 та тандирда ўртача бир кунда 100 дона папир ёпса, нархи 25 минг сўм бўлса, бир йилда 36,5 минг дона нон ёпади. Паррандадан (қора товук)



бир кунда ўртача 20-25 дона тухум оلسа, бир дона тухумнинг нархи 2 минг сўм. Бу, бир йилда 8 125 дона тухум, дегани. Бир йилда ўртача бир қути асаларидан 15 килограмм, жами 60 килограмм асал етиштирилади. Кўнчиликдан йилда ўртача бир дона кўён 28 тагача кўпайишини ҳисобга олганда, бир дона кўёндан 200 минг сўмдан даромад бор. Мотороллер нонларни манзилга тез ва сифатли ҳамда йўл ҳақи тежалган ҳолда етказмоқда. Бу, маҳсулот таннархи пасайишига ёрдам бермоқда. Дастлабки ҳисоб-китобга кўра, хонадоннинг йиллик жами даромади тахминан 700-800 миллион сўмни, соф даромад 240 миллион сўмни ташкил этаяпти. Муҳими, хонадондаги барча даромади меҳнат билан банд. Кўшимчасига новвойчилик йўналишида 5 нафар кўшнилари банд қилинган. Маҳаллада ҳамма ўз ишини билиб қилади, аҳилликда эса барака бўлади.

Гувоҳ бўлганингиздек, “Сайхунобод тажрибаси”ни ҳар бир хонадонга олиб кира олсак, меҳнаткаш одамлар интилиши, тупроғи зар еримиз саховатидан ишсиз, камбағал одамлар қолмайди. Ҳар бир хонадон аҳли тадбиркорлик ортдан тўқис яшаш учун етарли даромадга эга бўлади. Бу борада хонадонлардаги, маҳалладаги кўшимча имкониятларни ишга солиш ҳаракатимизга боғлиқ. Маҳалла аҳлини тадбиркорлик, ишбилармонликка ўргатиш учун аввал ўзимиз шу сифатларга эга бўлишимиз лозим.

ТАЖРИБА



Касб-хунарга эга бўлмаган 8 нафар фуқаронинг Навоий шаҳридаги “Ишга марҳамат” мономарказида касб-хунарга эгаллашига кўмаклашилди. Уч нафари кран машинисти, тўрт нафари чилангарлик, бир нафари электр устаси йўналишида ўқишни тамомлаб қайтди. Барчаси доимий ишга жойлашди.

ТОМОРҚА МАКТАБИ

ИНТЕНСИВ БОҒДА КЎЧАТЛАРГА ҚАНДАЙ ШАКЛ БЕРИЛАДИ?

Интенсив боғларнинг афзаллиги — дарактларнинг танаси кичик бўлганини учун уларга ишлов бериш, сугориш, кесил, шакл бериш, дори сениши ва хосилни териш қўлай.

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши маълумоти асосида тайёрланди.

Ўзбекистон шароитида интенсив боғларда, кўчатларга 60 см. юқоридан кесилиб, шакл берилди. Хориждан келатган кўчатларни веретини шаклида, яъни асосий лидер новда сақланиб, ёнига кўпроқ новда беришга қаратилди. Шакл беришда кўчатнинг асосий лидер шохида даракт танаси учун 50 см. ташалб, ундан юқорисига 8-10 та кўз қолдирилган ҳолда, яна 3 та кўздан ортиқчаси кесилди.

Келажакда етарли шохлаши учун 50 см. танасидан юқориде жойлашган 3 кўз ойсимон шаклида (кўчат кўчатхонасида шохламаган бўлса) кўзни ўсиши қисмидан кесилди. Шунингдек, яна учта кўз ташлаб, яна учта кўз тўғри чиқиқ шаклида кесилди. Бу жараёни кўчат ўса бошлаган даврида амалга оширилса, яхши натижа беради. Шоҳлар июль-август ойларида эгиб, боғланади. Ёш ўсган новдаларда мева кўртлақларни ҳосил қилиш мақсадида улар маълум вақтда чиллиб турилади. Бу усул мева кўртлақларини кўпроқ ҳосил беришини таъминлайди.

Экилган кўчатларни биринчи йилнинг ўзиде симбағаларга боғлаб, парвариш қилиш учун темир-бетон устунлар ўрнатилади. Экилган кўчатларни тартиб билан бир гектар майдонга қатор ораси 3 метр бўлса, 429 дона, 3,5 метр – 370 дона, 4 метр бўлганда – 325 дона темир-бетон устун сарф бўлади. Рухланган 2,5 мм. қалинликдаги симдан 450-600 кг. сарфланади.

Экилган олма, нок боғларига темир-бетон устунлар ўрнатилиб, сим тортилган, кўчатларнинг новдалари симларга боғлаб чиқилади. Келажакда новдалар ўсиб, ривожланиши учун парвариш ишлари олиб борилади.

Ёш экилган кўчатлар яхши ривожланиб, ўсиши учун апрель ойининг иккинчи ярмида ҳар бир кўчат атрофида соф ҳолда 100-120 г. дан азотли ўғит солинади. Иккинчи марта июнь ойида шунча миқдорда яна азотли ўғит солинади.

Томчилатиб сугориш тизими мавжуд бўлган боғларда барча минерал озукларни сув орқали томчилатиб бериш мақсадга мувофиқ. Бунда ўғитни ўзлаштириш самардорлиги анча юқори бўлади.

Ёш пакана пайвандтагли боғлар орасига биринчи йили сабзавот, полиз, картошка экиш мумкин. Иккинчи йилдан бу экинлар экиш тавсия этилмайди. Чунки боғ қатор орасига ишлов беришга ҳалақат беради.

Биринчи йили ёш кўчатлар қишга яхши тайёрланиши боис, сентябрь ойининг иккинчи ярмидан сугориш тавсия этилмайди. Октябрь-ноябрь ойларида ёш ниҳоллар ораси ҳамда кўчатларнинг қатор ораси чопилиб, юмшатилади, бегона ўтлардан тозаланади. Тупроқда намлик яхши сақланади. Кузда ноябрь ойида фосфорли ҳамда калий ўғит, яъни гектарига 90 кг., фосфор 45 кг. калий ва 20 тонна органик ўғит солиб, чопилади. Янги экилган интенсив боғлар иккинчи йилдан ҳосилга киради. 4-5-йили тўлиқ ҳосил бера бошлайди.

Истиқболли лойиҳа учун ҳоким ёрдамчиси кафилик берса...

Ориф ҚАЛАНДАРОВ,
Навбахор туманидаги “Қоражон” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Маҳалламиз “драйвери” — хизмат кўрсатиш ва деҳқончилик. Кейинги пайтда бошқа йўналишларда ҳам янги иш ўринлари ташкил этишга эришяпмиз. Жумладан, оилавий тадбиркорлик дастури доирасида 5 нафар, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш дастури бўйича 7 нафар, “Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори асосида 27 та янги иш ўрни яратилди.

Хотимат Холмуродов шу кунгача аниқ иш ўрнига эга эмасди. Гоҳ у, гоҳ бу ерда норасмий меҳнат қиларди. Турмуш ўртоғи ҳам ишсиз сифатида рўйхатга олинган. Бир сўз билан

айтганда, оиланинг ишончли молиявий манбааси йўқ эди. Ўтган йили турмуш ўртоғига тикув машинаси олиб бериб, ўзини ўзи банд қилди.

Жорий йил бошидаги хатловда ўзи билан суҳбатлашиб, қизиқишини ўргандим. Маълум бўлишича, унда қурилиш соҳасига лаёқат бор. Шундан сўнг қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этиш учун имтиёзли кредит олиш таклифини бердим. Таклифим маълум келди. Аризасига кўра, унга 50 миллион сўм имтиёзли кредит ажратдик. Тадбиркор олинган маблағ эвазига ёншт ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйиб, 4 та янги иш ўрни яратди. Бандлиги таъминланган ишсиз фуқаролар ҳозирда 3,5-4 миллион сўмдан маош оляпти. Ўзининг ойлик даромади 7-12 миллион сўмни ташкил этмоқда.

Бундан ташқари, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”да рўйхатда турган 6 нафар ишсиз хотин-қизга

субсидия асосида тикув дастгоҳлари топширилди. Икки нафари миллий либослар тикиш, тўрт нафари чопон тикиш бўйича даромадли ишга эга бўлди. Улар “Солиҳа чевар” оилавий корхонасига ишга қабул қилинди.

Касб-хунарга эга бўлмаган 8 нафар фуқаронинг Навоий шаҳридаги “Ишга марҳамат” мономарказида касб-хунарга эгаллашига кўмаклашилди. Уч нафари кран машинисти, тўрт нафари чилангарлик, бир нафари электр устаси йўналишида ўқишни тамомлаб қайтди. Барчаси доимий ишга жойлашди.

Шу ўринда айрим таклифларимни билдирмоқчиман. Биринчиси, “Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори асосида ажратилаётган кредитга хулоса бериш тартиби қайта кўриб чиқиши керак. Масалан, айрим талабгорлар аввал олган кредитини қайтаришда учинчи

тажриба
тарзда ижро ҳужжатлари асосида қарздорлик бўйича Ўзбекистон Республикасидан қиқшишга вақтинчалик чеклов қўйилганлик ҳолати мавжудлиги ёки йўқлиги тўғрисида маълумот беради. Хизмат бепул амалга оширилади.

Кўнчиликни кредит тарихи қанча муддатда тозаланади, деган савол қизиқтиради. Амалдаги тартибга кўра, кредит тарихи қарздорнинг сўнги 5 йил ичидаги мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотни ўз ичига олади.

Кредит ахбороти субъектининг бажарилиш санасидан эътиборан, беш йилдан кўп вақт ўтган пул суммасини тўлаш мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотлар кредит тарихига киритилмайди.

БИЛАСИЗМИ?

Қарздор фуқаро хорижга чиқса бўладими?

Сир эмас, бугун тадбиркорлик фаолиятини бошлаш, шахсий эҳтиёжлар — уй-жой, автомашина сотиб олиш учун фуқаролар турли кредитлардан фойдаланади. Бу маблағ эвазига ўз ишини йўлга қўйган инсонлар кам эмас. Аммо банкдан олинган ҳар қандай кредит қарздорлигини ўз вақтида сўндириб бориш талаб этилади. Акс ҳолда бу сизнинг кредит тарихингизга салбий таъсир қилади. Жумладан, шартнома шартларини бажармасангиз, хорижга чиқиш имкониятингиз чекланиши мумкин.

Хўш, кредит олган фуқаро хорижга чиқишда чеклов бор ёки йўқлигини қаердан билса бўлади? Банкдан кредит олган шахс кредит шартномаси шартларига мувофиқ, тўловларни ўз вақтида амалга ошириб келаётган бўлса, хорижга чиқишига ҳеч қандай чеклов бўлмайди.

Кредити бор шахсга фақат битта ҳолатда — қарздорлик судга оширилиб, суднинг ҳал қилув қарори чиқарилганда ва кредит қарздорлиги ижро(МИБ)га қаратилганда чет давлатга чиқишга тақиқ қўйилади.

Хорижга чиқишга чеклов бор ёки йўқлигини билиш учун ариза берувчи Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz)да рўйхатдан ёки авторизациядан ўтиб, сўров боради. Тизим автоматик

тарзда ижро ҳужжатлари асосида қарздорлик бўйича Ўзбекистон Республикасидан қиқшишга вақтинчалик чеклов қўйилганлик ҳолати мавжудлиги ёки йўқлиги тўғрисида маълумот беради. Хизмат бепул амалга оширилади.

Кўнчиликни кредит тарихи қанча муддатда тозаланади, деган савол қизиқтиради. Амалдаги тартибга кўра, кредит тарихи қарздорнинг сўнги 5 йил ичидаги мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотни ўз ичига олади.

Кредит ахбороти субъектининг бажарилиш санасидан эътиборан, беш йилдан кўп вақт ўтган пул суммасини тўлаш мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотлар кредит тарихига киритилмайди.



“ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК” дастури қамрови 1,5 баробар оширилиб, 4 триллион сўм маблағ ажратилади.



Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Ботир Зокиров ўрнига унинг биринчи ўринбосари ШЕРЗОД ХИДОЯТОВ вазири вазифасини бажаради.



САНОАТЛАШГАН БОҒЛАРНИ яратиш учун Қишлоқ хўжалиги жамғармаси орқали имтиёзли кредитлар ажратилади.

ҲАМКОРЛИК

СОЛИҚ ТИЗИМИ ИСЛОҲ ҚИЛИНАДИМИ?



Солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Мубин Мирзаев ва Жаҳон банкнинг Давлат ва молиявий бошқарув масалалар департаментининг глобал ишлари бўйича менежери Адриан Фоззард ўртасида учрашув ўтказилди.



“Солиқ маъмуриятчилиги ва солиқ сийосатини ислоҳ қилиш ҳамда ўрта муҳлатли таҳлил бўйича техник ёрдам кўрсатиш” мавзусида ўтказилган учрашувда солиқ маъмуриятчилигининг асосий бизнес жараёнларини автоматлаштириш, яширин иқтисодиёт ҳажмини камайтириш учун солиқ тўловчиларини бартараф этиш ҳамда кадрлар ва институционал салоҳиятни мустаҳкамлаш бўйича муҳокамалар ўтказилди.

Жаҳон банки иштирокидаги “Солиқ маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари доирасида ҳамкорлик ишларини янада тизимлаштирган ҳолда давом эттиришга келишиб олинди.

Жаноб Адриан Фоззард келгусида Жаҳон банкнинг техник кўмаги давом эттирилишини таъкидлади. Шунингдек, ушбу миссия доирасида хорижий экспертлар билан учрашувлар бўлиб ўтиши режалаштирилган.

Солиқ қўмитаси Ахборот хизмати.

СОЛИҚ СТАТИСТИКАСИ

50 МИНГГА ЯҚИН МУРОЖААТ БЎЛДИ

Жорий йилнинг январь-июль ойларида “Солиқ” мобил иловасининг “Солиқ ҳамкор” тизими орқали солиқ ҳуқуқбузарликларини ҳақда 49 564 та мурожаат келиб тушган.

Шундан:

- 45 432 таси харид чеки бермаслик;
- 2 297 таси тўловни пластик карта орқали қабул қилмаслик;
- 107 таси пластик карта учун харид суммасини ошириш;
- 1 728 таси бошқа турдаги ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича.

Мурожаатларнинг 24 466 таси такрорий бўлганлиги ёки шикоят келиб тушган тadbиркорлик субъектида текширув давом этаётганлиги сабабли қайтарилган.

Мурожаатлар асосида 15 671 та сайёр солиқ текшируви ўтказилиб, 99,1 фоиз ҳолатда ҳуқуқбузарлик тасдиқланган. Ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича хабар берган фуқароларга 15 644 та ҳолат бўйича (ундорилган жарима суммасидан 20 фоиз) 10,5 млрд. сўм мукофот тўланган.

“Davr-On” виртуал ёрдамчи ишга туширилди

Солиқ қўмитаси солиқ тўловчиларга 24/7 режимида маълумот беришга мўлжалланган, “Davr-On” деб номланган виртуал ёрдамчининг ишга туширилиши. У ai.soliq.uz манзилда жойлашган.

Дилдора ХОШИМОВА, Солиқ қўмитаси Жамоатчилик билан алоқалар бошқармаси бошлиғи.

“Davr-On” – самимий ва профессионал маслаҳатчи сифатида солиқ ва солиққа тортиш масалаларида маълумотлар ҳамда персонал маслаҳатлар бера олади. Виртуал ёрдамчи **ўзбек, рус ва инглиз тилларида самимий мулоқот қила олади.**

Мазкур ёрдамчи 3 ой давомида яратилди. Уни **такимлаштириш жараёни узлуксиз давом эттирилади.** Шу мақсадда Солиқ кодекси, Президент ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, меъриий ҳужжатлар ва йўриқномалар, шунингдек, солиқ органларининг call-марказига келиб тушаётган онлайн назорат-касса техникаси(онлайн-НКТ), Электрон ҳисобварақ-фактура (ЭХФ), электрон рақамли имзо, электрон ҳисоботлар, маркировка ва бошқа хизматларга оид саволларга жавобларни ўз ичига олган **11 млн. белгидан иборат билимлар базаси яратилди.**

Солиқ қўмитаси барча солиқ тўловчиларни ai.soliq.uz сайтидаги виртуал ёрдамчи

хизматидан фойдаланишни тавсия қилади.

Виртуал ёрдамчи Солиқ қўмитасининг **сунъий интеллект технологияларидан фойдаланадиган** учинчи хизматидир. Дастлаб 2022 йил солиқ тўловчиларни масофадан идентификация қилиш бўйича Face ID хизмати жорий этилган. Бугунги кунда хизмат аудиторияси 6 млн. нафардан ортиқ мобил илова фойдаланувчиларини қамраб олган. Face ID тизими мукамал ишлаши учун идентификациядан ўтиш фотосурат ёрдамида эмас, балки ҳақиқатда мавжуд инсон томонидан амалга оширилётганини аниқлаш учун **махсус модел яратилди.**

Солиқ маъмуриятчилиги хизмат қиладиган **яна бир сунъий интеллект – юк автотранспорт воситалари мониторинги тизими.** Компьютернинг кўриш модели юк машиналарини бошқа техникалардан ажратиш учун махсус камерадан олинган тасвирлардан фойдаланади. Кейинчалик тизим **автотранспорт воситаси юк билан ёки юксиз ҳаракатланаётганини аниқлайди** ва олинган маълумотларни таҳлил учун юборди. Мазкур технология Бухоро вилоятининг Шофиркон туманидаги карьерларда норуца фойдали қазилмаларни қазиб олишни кузатиш ва ҳисобга олишда қўлланилмоқда.

Солиқ қўмитаси солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини ошириш, шунингдек, солиқ тўловчиларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида сунъий интеллект технологияларидан фойдаланишда имкониятларни кенгайтириб боришни кузлаган.



Хурматли фойдаланувчилар!

Солиқ қўмитаси ишга туширилган виртуал маслаҳатчи – “Davr-On” кенг жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Мазкур виртуал ёрдамчи ишга туширилган биринчи кунда “Davr-On” билан 20 835 дан ортиқ фойдаланувчи мулоқот қилди. Хозирда уларнинг сони 25 357 нафарни ташкил этмоқда.

Мутахассислар унинг имкониятларини кенгайтиришга ва сизларнинг энг ишончли ёрдамчингизга айлантиришга ҳаракат қилмоқда. Мана шу ҳаракатлар натижаси ўларок, **“Davr-On” Солиқ қўмитасининг расмий сайти – soliқ.uz билан интеграция қилинди.** Энди фойдаланувчилар у билан ушбу сайт орқали ҳам мулоқот қилиши мумкин.

Тушум кўнайгани сари самарадорлик ортяти

СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ



Темур КАРИБОВЕВ, Урганч туманидаги “Бободехқон”, “Оқ олтин”, “Қипчоқ” маҳаллалари солиқ инспектори.

Олдинлари маҳалланинг солиқларни йилгишдаги роли ва манфаатдорлиги, солиқларни маҳалланинг инфратузилма муаммоларини ечишга қаратиш бўйича мослашувчан тизими йўқ эди. Ушбу муаммонинг ечимини сифатида жорий йилнинг 1 январидан бошлаб маҳалла бюджетини шакллантириш ҳамда уларда шаклландиган маблағларни “маҳалла еттилиги”нинг кенгаш қарорлари орқали инфратузилмани яхшилашга йўналтириш белгиланди.

Бу жараёнда ҳар бир маҳалладаги

Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармасининг манбалари сифатида мол-мулк ва ер солиғининг 10 фоизи ҳамда бўш турган кўчмас мулкни сотиш ва бинолар ижарасидан тушумлар этиб белгиланди.

Менга бириктирилган маҳаллаларда 77 та юридик шахс, 16 та фермер ва деҳқон хўжалиги, 152 та якка тартибдаги тadbиркор бор. Шунингдек, 1 083 нафар ўзини ўзи банд қилган фуқаро солиқ базасида шакллантирилди. Барча имкониятларни ишга тушириш орқали айланма маблағ оширилиб, янги иш ўринлари яратилмоқда. Хусусан, ўтган 6 ойда “Бободехқон”, “Оқ олтин”, “Қипчоқ” маҳаллаларида айланмадан олинган солиқ тушуми 1,2 бараварга, яъни 347 млн. 900 минг сўмга орттиги билан бажарилди. Маҳаллаларда қўшимча 107 млн. 200 минг сўм миқдоридан айланмадан



олинган солиқ ундирилди. Ноконуний фаолият юритиб келаётган 35 нафар тadbиркорнинг фаолияти конунийлаштирилди. 35 та қўшимча объект аниқлаштириш ҳисобига 10 млн. 400 минг сўм миқдоридан солиқ ундирилди. Қолаверса, 11 та корхонада 12 та янги иш ўрни легаллаштирилди.

“Маҳалла еттилиги” тизимининг шаклланиши орқали солиқ инспекторлари маҳалладаги ҳар бир солиқ тўловчи хонадонига, тadbиркорлик субъектига бориб, “Солиқчи – кўмакчи” тамойили асосида муаммосини ўрганиб, солиқ соҳасидаги ўзгаришларни жойида тушунтириш орқали яширин иқтисодиётнинг олдини олаётгани яхши тажриба бўлмоқда.

Бундан ташқари, “еттилик” билан биргаликда маҳалладаги ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган матбаа корхона-

Олдинги тизимда кўрсаткич режаси туман даражасида белгиланган бўлса, эндиликда ҳар бир маҳаллада солиқ турлари кесимида солиқ инспекторлар фаолиятини 21 та йўналишдаги асосий вазифалар ҳамда самарадорлик кўрсаткичига қараб баҳолаб борилмоқда.

Олдиндаги тизимда кўрсаткич режаси туман даражасида белгиланган бўлса, эндиликда ҳар бир маҳаллада солиқ турлари кесимида солиқ инспекторлар фаолиятини 21 та йўналишдаги асосий вазифалар ҳамда самарадорлик кўрсаткичига қараб баҳолаб борилмоқда.

КЎРСАТКИЧ

300 дан ортиқ корхона рейтингини юқори тоифада

“Солиқчи – тadbиркорга кўмакчи” тамойили асосида тadbиркорларга барқарорлик рейтингини оширишда яқиндан ёрдам берилаётгани натижасида ҳудуддаги 300 дан ортиқ корхона юридик шахслар рейтингини юқори тоифага эгаллади.



Баҳодир ФАЙЗИЕВ, Бухоро вилояти солиқ бошқармаси Матбуот вилоти раҳбари.

Бухоро шаҳридаги тўқимачилик махсулоти ишлаб чиқаришга мўлжалланган “EVER WHITE GROUP” корхонаси яқинда барқарорлик рейтингининг юқори “А” тоифасига (87 балл) кирувчи тadbиркорлик субъектларидан бирига айланди. Бунга вилоят солиқ бошқармасининг “корхонабай” ишлаш асосида бириктирилган ходимларнинг солиқ тўловчилар билан яқиндан ҳамкорлиги ҳамда шу орқали улардаги камчиликларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлари ижобий самара берди.

Ушбу тadbиркорлик субъектига бириктирилган ходимларнинг корхо-

на раҳбари ҳамда ҳисобчиси билан навбатдаги учрашуви айнан шу мавзуда бўлгани бежиз эмас. Негаки, улар аввалги учрашувларда солиқ имтиёзлари ва преференциялардан фойдаланмоқчи эканини билдирган эди. Шу боис, солиқ ходимлари уларга барқарорлик рейтинг даражасини (“AAA” 100 балл) янада яхшилаш юзасидан керакли маслаҳатларини берди.

Таълим хизматларини кўрсатувчи “Бухоро инновацион таълим ва тиббиёт университети” масъулияти чекланган жамияти ҳам бир қатор энгилликлардан фойдаланмоқчи. Солиқ бошқармаси ходимларининг мазкур тadbиркорлик субъекти вакиллари билан учрашувида дастлаб уларга субсидия, имтиёз ва преференциялар уларнинг рейтинг

даражасидан келиб чиққан ҳолда берилиши тушунирилди. Шундан сўнг уларнинг айрим камчиликларини кўрсатиб ўтилган ҳолда барқарорлик рейтингини яхшироқ ҳолда кўйи тоифалардан юқори тоифага эришиш мезонларини аниқ мисоллар билан кўрсатиб ўтилди.

Таъкидлаб ўтиш жоиз, вилоятда солиқ хизмати ходимларининг “Солиқчи – тadbиркорга кўмакчи” тамойили асосида тadbиркорларга барқарорлик рейтингини оширишда яқиндан ёрдам бераётгани натижасида ҳудуддаги 300 дан ортиқ корхона юридик шахслар рейтингини юқори тоифага эгаллади. Худди шундай, қониқарли ва кўйи тоифада бўлган 6 000 дан ортиқ корхона ўрта тоифага кўтарилди.



ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ
Ўзбекистондаги туғуқ марказларини яхшилаш учун 100 млн. доллар ажратди.



Ўзбекистон ва Хитой ЭКОЛОГИЯНИ ЯХШИЛАШ
ҳамда чўлланшга қарши кураш борасида кучларни бирлаштиради.



Ўзбекистонда олти ойда 12 867 нафар ҳайдовчи МАСТ ҲОЛАТДА
транспорт воситасини бошқаргани учун жазога тортилган.

ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ

“ЖИНОЯТНИ КАМАЙТИРДИК, ҲУШЁРЛИКНИ ОШИРДИК”

Бугун биз, профилактика инспекторларига тааллуқли бўлмаган ишнинг ўзи йўқ. Чунки ҳар бир жиноятчиликнинг туб илдизи ишсизлик, оилавий муносабатлар, ёшлар таълим-тарбияси билан боғлиқ. Шу боис ҳар кунлик ишнинг “хонадонбай” ишлаш тизими асосида аҳоли муаммоларини ўрганишдан бошлайман.

Умиджон ТАШЕВ,
Бухоро шаҳридаги “Тўқимачи” маҳалласи профилактика катта инспектори.

Фуқаролар турмуш тарзини ўрганиб, нотинч оилалар, низоли қўшинлар, жиноятчиликка мойиллиги бор, илгари судланганлар билан профилактик суҳбатлар ўтказаман. Аниқланган масалалар ечим бўйича “маҳалла еттилик” ҳамкорлигида иш олиб бораемиз. Мурувватларни ўз вақтида қўриб чиқиш, ҳал этиш чораларини кўряман.

“Тўқимачи” маҳалласида бир йил олдин иш бошлаганимда ҳудуд “қизил” тоифада эди. Маҳалла ҳудудида иккита йирик бозор, шаҳар бўйлаб 6 та йўналишда ҳаракатланадиган автобус ва йўналишли транспортлар учун автошоҳбехат, истироҳат боғи бор. Айнан ушбу ҳудудларда ўғрилиқ, безорилик жиноятлари кўп қайд этилган. Шу боис дастлаб аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича тарғибот тадбирлари ўтказдик.



Жорий йил ҳисобида безорилик, оила турмуш жиноятлари умуман қайд этилмади. Спиртли ичимликка ружу қўйган 9 нафар фуқаро тўғри йўлга қайтди.

Ўғрилиқларнинг олдини олиш ва тезкор аниқлаш бўйича маҳалланинг асосий кириб-чиқиш кўчаларига, бозор ҳудудларига йиғирмадан ортқ замонавий – инсон юзидан, автотранспортларни давлат рақами белгисидан аниқлайдиган ва кузатув камералари ўрнатилиб, улар хизмат хонамга интеграция қилинди.

Натижада жиноятчиликлар кескин камайди. Масалан, жорий йил ҳисобида безорилик, оила турмуш жиноятлари умуман қайд этилмади. Спиртли ичимликка ружу қўйган 9 нафар фуқаро вилоят нарколегия

диспансерида даволаниб, тўғри йўлга қайтди. Ана шундай саёй-ҳаракатларимиз натижасида “сарик” тоифага ўтди.

Узоқ муддатга хорижга ишга кетган 506 нафар фуқаро ва уларнинг оила аъзолари билан алоҳида ишланяпти. Ҳар бири билан мулоқот қилиниб, яшаш ва иш шароити ўрганиляпти. Қайтишни истаган 108 нафар фуқаро ўз оиласи бағрига қайтиб келди. “Маҳалла еттилик” ҳамкорлигида уларнинг 24 нафарини иш билан таъминладик. Бу борадаги амалий ишлар давом эттирилиб, барчаси ишли

қилинади.

Келгусида режаларимиз кўп. Улардан бири, ҳудудда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, криминоген вазиятни барқарорлаштириб, жиноятчиликнинг олдини олишдир. Айниқса, бозорлар ва истироҳат боғида профилактик тадбирлар кучайтирилади. Бу масалаларда жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчим Шаҳрамбек Раҳматуллаев билан биргаликда иш олиб бораемиз. “Еттилик” билан ижтимоий профилактика йўналишда тизими ишланади.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

МАҲАЛЛА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ МАСКАНИ ҚАНДАЙ ШАРОИТГА ЭГА БЎЛИШИ КЕРАК?

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 23 июндаги “Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига асосан, маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканининг намунавий лойиҳаси тасдиқланган. Унга кўра, Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани ўзи жойлашган фуқаролар йиғинидаги ички ишлар органлари таянч нуқтаси ёхуд камда етти хонадан иборат алоҳида бинода ташкил этилади.

Масканда куйидаги хизмат ва ёрдамчи хоналар бўлиши талаб этилади:

- масканга киришда унинг фойе (камидат) тўрт кишига мўлжалланган, диван ёки стуллар билан жиҳозланган кутубхона бўлиши шарт;
- онлайн суд мажлислари ўтказиладиган хона (камидат) саккиз киши учун стул, видеоконференцалоқа сеансини ўтказиш учун мўлжалланган курилмалар билан таъминланган бўлиши лозим;
- профилактика (катта) инспектори хизмат хонаси (тезкор йўғилиш ўтказиш учун камда олти кишилик стол ва стуллар билан жиҳозланган, шунингдек, профилактик тадбирларни ўтказиш учун келган шахсларга мўлжалланган камда тўртта стул, хизмат столи, бир дона кресло ҳамда диван, хужжатлар ва қийим шкафлари ҳамда сейф билан жиҳозланган бўлиши лозим);
- хотин-қизлар масалари бўйича инспектор ҳамда вояга етмаганлар масалари бўйича инспектор-психолог хизмат хонаси (профилактик тадбирларни ўтказиш учун келган шахсларга мўлжалланган камда тўртта стул, хизмат столи, бир дона кресло ва диван, хужжатлар сақланадиган жавон билан жиҳозланган бўлиши лозим);
- ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари ходимлари томонидан олиб келинган шахсларга нисбатан терговга қадар текширувни амалга ошириш учун мўлжалланган тезкор вакил ва суриштирувчи хонаси (терговга қадар текширувларни ўтказиш учун келган шахсларга мўлжалланган камда тўртта стул, иккитадан хизмат столи ва кресло, хужжатлар сақланадиган жавон билан жиҳозланган бўлиши лозим);
- пробация инспектори ҳамда профилактика (катта) инспекторининг ёрдамчиси хизмат хонаси (белгиланган тадбирларни ўтказиш мақсадида чақиртирилган шахсларга мўлжалланган тўртта стул, иккитадан хизмат столи ва кресло, хужжатлар сақланадиган жавон билан жиҳозланган бўлиши лозим);
- дам олиш хонаси (камидат) тўрт кишига мўлжалланган диван ва овқатланиш учун стол ҳамда стуллардан иборат бўлган, телевизор, совиткич, микротўқилки печь билан таъминланган бўлиши лозим).

Маскан замонавий компьютер тўплами, мебель жиҳозлари ва темир сейфлар билан жиҳозланган, шунингдек, телефон алоқаси ва Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланган ҳамда тегишли алоқа воситалари билан таъминланган бўлиши шарт.

Маскан хизмат кўрсатадиган ҳудуднинг чегаралари туман (шаҳар) ички ишлар органлари бошлиғи томонидан мазкур туман (шаҳар) ҳокими билан келишми ҳолда чегара ҳудуди узвий бир-бири билан боғлиқ бўлган бешта маҳалла (қишлоқ, овул)нинг ҳудуди миқёсида белгилашиб, Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг қарори билан тасдиқланади ҳамда уларнинг тартиб рақами мазкур қарор билан белгиланади.

Масканда ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари бириктирилган ходимлар белгиланган тартибда хизмат олиб боради. Ҳудудда хизмат олиб боришга бириктирилган ходимлар белгиланган тартибда масканда юритиладиган дафтарда қайддан ўтади.

Маскан фойесига фуқаролар учун ариза, шикоят ва тақлифлар ёзиш намуналари, профилактика (катта) инспекторларининг фаолиятини тартибга солишчи қонунчилик хужжатлари нормаларидан кўчирмалар, давлат рамзларига, ҳуқуқбузарликлар профилактика хизмати оид плакатлар ва эслатмалар жойлаштирилади. Шунингдек, профилактика инспекторининг хизмат хонаси деворига маъмурий ҳудуднинг харитаси осиб қўйилади.

Энг муҳими, маскан Ички ишлар вазирлиги белгиланган тартибда алоқа воситалари, видеокузатув камералари учун монитор, Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқий статистика ва тезкор ҳисоб маълумотлар маркази билан бевосита алоқа қилиш имконини берадиган маълумотлар базасининг дастурий таъминоти, компьютер техникаси билан таъминланган бўлиши шарт.

ДОЛЗАРЬ МАВЗУ

ҚЎЛ БАРМОҚ ИЗЛАРИ ТАКРОРЛАНИШИ МУМКИНМИ?

Халқ орасида бармоқ излари нечтадир одамдан кейин такрорланиши тушунчаси мавжуд. Аслида бу хато тушунча. Бармоқ излари ҳар бир шахсда индивидуал бўлиб, уларнинг хусусий белгилари ҳеч қачон такрорланмайди.

Биз, эксперт-криминалистлар воқеа жойига чиққан пайтимизда қўл бармоқ излари ҳамда шахсининг юз ташқи қиёфаси орқали жиноятчи ва гумонланувчиларнинг шахсини аниқлашга ҳаракат қиламиз. Марказимизда ушбу соҳалар бўйича замонавий имкониятлар яратилган. Бизда қўл бармоқ излари орқали шахси номаълум мурдаларни, ҳодиса содир бўлган жойда ўғрилиқ ёки ҳар қандай жиноят бўйича қўл бармоқ изларини аниқлаш имкони бор. Шунингдек, фото ва видеокузатув тасвирлар орқали гумонланувчи ёки номаълум шахсларнинг шахсига оидлик киритамиз.

Тажрибамиз давомидида шундай ҳолатлар ҳам бўлганки, ҳодиса содир бўлган жойда қўл бармоқ излари аниқланган. Ушбу оёқ изи гумондор шахслар орасида текшириб кўрилганда жиноятга алоқадор шахсга тегишли экани маълум бўлди.

Боғабек ТОҶИБОВЕВ,
Тошкент шаҳар ИИББ Эксперт-криминалистика маркази катта эксперти.

СУД ҲУКМИ



Қандай қилиб пул топини ҳақида ўйлаётган Комилжон тушкунликка тушиб, пулсиз севгининг умри қисқа эканлиги, бир ўзи-ку амалласа бўлиши, лекин “манави” ошникча дахмаза бўлаётганини ўйлай бошлади. Ниҳоят Комилжон ошқозонни ҳатто оташин севги билан ҳам алдаб бўлмаганини тушуниб етди.

Ўн беш кунда сўнган ишқ

Нилуфар ИСОҲОНОВА,
Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот хизмати бошлиғи.

Йиғирма ёшли Комилжон ҳали ўн саккиз ёшга тўлмаган Муслимахонни севиб қолди. Икки-уч ой учрашиб юриб, уйланишга қарор қилди. 2023 йилнинг баҳоринда Комилжон онасига қариндас уйига совчиликка боришини айтганида, онаси кескин рад этди. “Уйлангандан кўра, хунара ўрган, ишла, пул топ, кейин уйланиш ҳақида ўйлайсан. Сенга кўшиб, хотинингни ҳам мен боқаманми, бошимга бало қилиб”, – деди она.

Онасидан хафа бўлган ошик, шу захотийёқ қиз билан учрашишга келиши ва тунда пойтахтга қочиш тақлифини берди. Шунингдек, маъшуқаси ҳам дарров рози бўлди. Уйдагиларнинг уйкуга кетишини кутган беқарор ошик тунда отасидан қолган “BA3-2106” русумли автомашинани хайдаб чиқиб кетди.

Сергели туманидан ижарага уй топиб яшай бошлади. Машинани эса 3 млн. 500 минг сўмга сотиб юборди. Бу пулга атиги 10 кунгина шоҳона

яшаш насиб қилди. Бойвачча “ошик” 14 май куни севгилиси билан Яққасарой туманидаги “NEXТ” мажмуасига айлангани боришди. Севгилиси оқчаганини айтганда, чўнтагига қўлини тиккан ошик чўнтагида хемири йўқ эканини англади. Овқатланиш туғул, ижара уйига етиб олиш муаммо.

Англадики, севги қорин тўйдирмас экан. Муслима эса такрор-такрор “овқатланайлик”, деб қўймасди. Биринчи марта севгилиси кўзига жуذا хунук, очофатдай қўриниб кетди. Хаёлига фақат менми, у ҳам пул топсин, деган уй келди ва аланг-жаланг қилиб, ўриндикда 300 АҚШ долларлик “Irhope XS” телефонини ўйнаб ўтирган 10 яшар болани мўлжалга олди.

“Маликаси”га бориб, болани алдаб телефонни ўрилаб келишини айтиди. Севги кўзини кўр, қўлини кар қилиб қўйганмиди ёки очлик ундадими, Муслима болани авраб телефонни қўлга киритди. Шу захотийёқ улар шовиб кўчага отилишди. Телефонни яқин дўконга кириб сотишга уринганда, сотувчи

йигит уни ўғрилган-ўғрилмагани ҳақида сўрайди ва ҳар эҳтимолга қарши суратга олиб қўйишини айтганда, ошик йигит Муслиманинг паспорти йўқлигидан фойдаланиб, қизни суратга олишини, телефон эгаси у эканини баҳона қилиб, ўзини кадрдан четга олади. 400 минг сўм ошикларга бир неча кунга етди ҳолос.

Қандай қилиб пул топиш ҳақида ўйлаётган Комилжон тушкунликка тушиб, пулсиз севгининг умри қисқа эканлиги, бир ўзи-ку амалласа бўлиши, лекин “манави” ошникча дахмаза бўлаётганини ўйлай бошлади. Ниҳоят Комилжон ошқозонни ҳатто оташин севги билан ҳам алдаб бўлмаганини тушуниб етди.

23 май куни тунги сайрга чиққан ошиклар анча вақт айланиб юришди. Тунги соат 2:00 ларда Комилжон эътиборини 1995 йилда туғилган Ойбекка тегишли бўлган “BA3-2106” автомашинаси тортди. Бу русумдаги автомашинани илгарди хайдагани, унинг сир-асорини билгани учун аста унга яқинлашди. Калип танлаш йўли билан эшигини очиб, ўт олдириш кулфи симларини узиб, бир-бирига улаш орқали хайдаб кет-

ди. У ҳаммасини ташлаб, севгилисига ҳам қўл силлаб, иссиқ, юмшоқ, топ-тоза ўрин-кўрпаси, мазалидан-мазали ош-овқати тайёр, пул сўраса жавраб-жавраб бўлса-да, берадиган онаси бор кадрдан ота уйига қайтишни режалаштирганди. Бироқ Сергели тумани ИИО ФМБ ППХ ходимлари тўхтатиб, хужжатларини сўраганда, ўғирлиги фош бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Сергели туман суди Комилжонни Жиноят кодексининг 169-моддаси (“Ўғрилиқ”), 267-моддаси (“Транспорт воситасини олиб қочиш”), 127-моддаси (“Вояга етмаган шахсни фэйрижтимий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш”)да назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топди. Унга олти йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинланди.

Муслиманнинг эса вояга етмаганлиги, муқаддам судланмаганлиги, биринчи марта жиноят содир этганлиги инобатга олиниб, жазодан озод этилди ва яшаб турган жойида профилактик ҳисобга қўйилди.

Ҳар иккиси учун ошиклик шундай яқун топди. Хулоса чиқариш сиздан.



Таиланд
Ўзбекистон фуқаролари
учун 60 КУНГАЧА
ВИЗАСИЗ режимни
жорий қилди.



Янги қонун
лойиҳасига кўра,
скутер ва мопедларни
бошқариш қоидаларини
бузиш ЖАРИМАГА
САБАБ БЎЛАДИ.



Янги қонун
лойиҳасига кўра,
БОЛАГА НИСБАТАН
оилавий (маиший)
зўравонлик қилганлик
учун жавобгарлик
белгиланади.

НАТИЖА ИЖТИМОЙ НАФАҚА — ХАЛҚҚА КЎМАК

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги 2024 йилининг биринчи ярим йилида ижтимоий нафақалар учун ажратилган маблағлар тўғрисида маълумот берди. Ушга кўра, ижтимоий нафақалар учун шу даврда жами 7 716 503,0 млн. сўм маблағ тўлаб берилган.

Ижтимоий нафақалар тўланган жами маблағларнинг:

- **55,5 фоизи** — кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам;
- **40,2 фоизи** — ёшга доир, ногиронлик, 18 ёшгача ногиронлик, парваришlash ва боқувчисини йўқотганлик нафақаси;
- **4,1 фоизи** — бир марталик нафақа тўловлари учун ("суюнчи" ва дафн нафақалари);
- **0,1 фоизи** — Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги муҳтож оилаларга бир марта бериладиган моддий ёрдам;
- **0,1 фоизи** — ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга моддий ёрдамларни ташкил этади.

Эслатиб ўтамиз: ижтимоий нафақалар тайинлаш тартиби қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

ЭСЛАТМА

ТАЪЛИМ МУАССАСАСИГА ЙЎНАЛТИРИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?



Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни ихтисослаштирилган таълим муассасаларига йўналтиришни «Инсон» марказлари 5 босқичда амалга оширилади:

- 1-босқич** — боланинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахс «Инсон» маркази ёки маҳаллага бириктирилган ижтимоий ходимга ариза тақдим этади.
- 2-босқич** — «Инсон» маркази ПТПК (Психологик-тиббий-педагогик комиссия) хулосасини олиш учун бола ҳақидаги маълумотларни шакллантиради ва 3 иш куни ичида комиссияга тақдим этади.
- 3-босқич** — ПТПК котиби керакли ҳужжатларни навбатдаги йўналишга киритади, Комиссиянинг ўтказиш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилади.
- 4-босқич** — ПТПК комплекс текширувдан ўтказиши ва керакли хулосани тақдим этади ёки рад этади.
- 5-босқич** — ижобий хулоса берилганда, ПТПК котиби "Болалар боғчаси" мактабгача таълим АТ ва болани "my.maktab.uz" электрон платформаси орқали рўйхатдан ўтказиши ва навбатга қўяди. Шунингдек, бу ҳақда алоқадор шахсларни хабардор қилади.

МАНЗАРА



Тазйик ва зўравонликка учраган, кам таъминланган, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар бор. Хар бирига алоҳида-алоҳида ёндашув ва муносабат талаб этилади. Ҳаммининг хулқ-атвори, ўзига хос хусусиятлари турлича. Кимдир ҳаётдан, турмушдан норози, умуман гапингизин эшитмайди. Айримларга қанча эътибор берсангиз кам.

Илдизини топсангиз, иллат барҳам топади

Оғабек ҲАЙИТБОЕВ,
Урганч туманидаги "Араблар" ва
"Уйиш" маҳаллалари
ижтимоий ходими.

Маҳаллада ишлашнинг масъулияти анча оғир. Олдимизга турли тоифадаги кишилар келади. Уларнинг орасида тазйик ва зўравонликка учраган, кам таъминланган, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар бор. Хар бирига алоҳида-алоҳида ёндашув ва муносабат талаб этилади. Ҳаммининг хулқ-атвори, ўзига хос хусусиятлари турлича. Кимдир ҳаётдан, турмушдан норози, умуман гапингизин эшитмайди. Айримларга қанча эътибор берсангиз кам.

Фуқаролар билан ишлашни ташкил этиш бўйича анча вақт семинар-тренингларда иштирок этдик. Ҳозирги кунда махсус электрон платформада ташкиллаштирилётган машғулотларда билим ва малакамизни ошириб келмоқдамиз. Аввал маҳаллада ёшлар

етакчиси бўлиб фаолият олиб борганман. У вақтда аҳолининг бирламчи эҳтиёжлари ўрганилган, холос. Масалан, олийоҳда ўқийдиган талабанинг шартнома пулини тўлашга ёрдам бериш керак бўлди. Асосий ишимиз шу эди. Ҳозир шундай вазиятда, аввало, оиланинг иқтисодий ҳолати ўрганиляпти. Кимлар меҳнатга лаёқатли, ота-онаси ишлайдими, яна нималарга эҳтиёжи бор, деган саволларга жавоб изляяпмиз. Эҳтимол, яқинларининг бирортасида ногиронлиги бўлиши мумкин. Унинг ижтимоийлашувини таъминлаш мақсадида касб-хунарга ўқитиш, ишга жойлаштириш ва даромадини оширишга ҳаракат қилаяпмиз. Шу тарзда муаммонинг илдизигача етиб бориш вазифаси зиммамизга юклатилган.

Худудимиздаги 500 дан ортиқ эҳтиёжманд хонадонга кирар эканман, оғир шароитда яшаётган, ногиронлиги бўлган одамларни кўриб, уларнинг дардини ичимдан ўтказгандек бўламан. Баян бир неча кун ўзимга келолмай юрган вақтларим бўлади. Шундай дамларда ота-онам билан суҳбатлашишга ошиқман. Кечинмала-

римни гапириб берсам, ҳаётий тажрибаларига асосланиб менга далда беришди.

Хатлов жараёнида ногиронлиги бўлган 3 нафар ака-ука реабилитация қилиш техник воситаларига эҳтиёжи борлигини айтиб мурожаат қилди. Маълум бўлишича, ота-онасининг қариндошлиги сабабли фарзандлари ирсий касалликка чалинган. Аввал соғлом, югуриб юрган болалар вақт ўтиб юролмаي қолишган. Оилани бирламчи ва комплекс баҳолаш натижасида уларнинг бирига юриш мосламаси, яна бошқасига ҳасса ва учинчисига ногиронлик аравачаси берилди. Уларни соғлом акаси доимий парвариш қилиб келмоқда. Ўртадаги меҳр-мурувват ва ғамхўрликни кўриб, дилингни яйрайди.

Ака-укаларнинг ижтимоийлашувини таъминлаш мақсадида пластик ром ясайдиган махсус ускунани ижара асосида олиб, иш бошлашга ёрдам бердик. Ҳозир уч нафари шу иш билан банд. Бир нафари этиқдўзликни ўрганапти. Аввал эътибордан четда қолиб кетган бу фуқаролар жамиятнинг фаол аъзосига айланди.

8 нафар болага васий тайинланди. Ишлаш мақсадида чет элга чиқиб кетган ота-оналарнинг 3 ёшдан 16 ёшгача бўлган фарзандларини расман яқин қариндошлари қарамоғига ўтказдик. Ҳаммининг ўқиши ва тарбиясидан мунтазам равишда хабардор бўлиб турибмиз. Тез-тез олдига бориб, суҳбатлашяпмиз. Кайфияти ва яшаш шароити доимий эътиборимизда.

Худудимизда рўй берган бир ҳолат тазйик ва зўравонлик сифатида қайд этилди. Аслида, қайнота ва келин ўртасида арзиманган келишимовчилик кузатилган. Лекин аёлга ҳимоя ордери берилган. Ҳайратланарли жиҳати шундаки, келин уни эртаси куниёқ чиқинди-га ташлаб юборган. Муносабатлар тезда ижобий ечим топган. Лекин бу оилани 6 ой давомида мониторинг қилиб боришимиз керак.

Тақлим: тазйик ва зўравонлик ҳолатларини аниқлаш ва хулоса беришда маҳалла ижтимоий ходимига маълум ваколатлар берилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу тўғри ва холис қарор қабул қилишда жуда муҳим, деб ҳисоблайман.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Кўмак қўллари бахт йўллари сари етаклаганда...

Кармана туманидаги "Сардоба" маҳалласида истиқомат қилувчи нафақахўр Акрам Бердиев оилавий шаронги туфайли кизининг 2 нафар фарзандини ўз тарбиясига олган. Аммо фуқаронинг ҳуқуқий саводхонлиги наслини сабаб бир неча бор мутасаддиларга қилган мурожаати жавобсиз қолади ва набираларига давлат белгиланиш лозим бўлган бола пулларига ҳужжат тўғрисида олмади. "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази бераётган имтиёзлар фуқаро учун айни муддао бўлди. Янги икки набиранинг тақдирини қонуний ҳал этилиб, бобосининг вазийлигига ўтказилди. Шундан сўнг моддий кўмакка бўлган эҳтиёж ижобий ечим топадиган бўлди.

Тимур БАЙБИКОВ,
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги
Навоий вилояти бошқармаси
матбуот котиби.

Шу кунга қадар вилоят микёсида ижтимоий ходимлар ўзига бириктирилган маҳаллалардаги оғир турмуш вазиятига тушиб қолган, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами тўғрисида худуднинг ижтимоий паспортини шакллантирди. Аниқланган ҳолатлар бўйича очилган 1 106 та кейснинг 471 тасига хизмат кўрсатилиб, тўлиқ ёпилган. Умида Рустамова болалигидан имконияти чекланган, ёлғиз онаси

қарамоғида. Аммо юртимизда шундай ногиронлиги бўлган инсонларга кўрсатилаётган ғамхўрлик туфайли унга ҳам тегишли моддий ва маънавий кўмак ўз вақтида кўрсатилмоқда. Яқинда бу вояга етмаган ёшнинг саломатлигидаги муаммоси сабаб керакли тиббий жихозлар ва ногиронлик аравачаси ҳамда ҳозирда энг зарур бўлган замонавий, кўп услубли ётоқ анжоми етказиб берилди.

Маҳаллаларда комплекс хизмат кўрсатувчи ходимлар худудлардаги 42 676 нафар ногиронлиги бўлган шахс, ногиронлик гуруҳларини ўзгартириш ва реабилитация марказида даволаниши, протез ортопедик мосламалари ва реабилитация техник воситаларига муҳтожлиги, параспорт турларига қизиқиши, иш

билан бандлиги ва касб хунарга ўқиш йўналишлари бўйича тўлиқ хатловдан ўтказиб чиқилди.

Бугунги кунга қадар 1 207 нафар фуқаро протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан белгиланган тартибда таъминланди. 887 нафар фуқаро билан ўтказилган мониторинг натижасида 444 нафарига индивидуал хизматлар режаси ишлаб чиқилиб, 551 та ижтимоий хизматлар кўрсатилди.

Маълумки, кексалар ва муҳтожлар, кам таъминланган оилаларга ёрдам, меҳр-мурувват кўрсатиш халқимизнинг ўлмас қадрияти ҳисобланади. Бундай эзгу ҳаракатлар бугун янгича мазмун-маъно касб этмоқда. Буни биргина "Паҳлавон" маҳалласи Ёвонмасжид қишлоғида яшовчи 85 ёшли Орзи момо Бўриева ҳаёти мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Бугун онахонга тегишли ёрдамлар ўз вақтида кўрсатилаётгани унинг яқинларини хурсанд қилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ёлғиз ҳамда ёлғиз яшовчи кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслардан 10 нафарига бепул сихатгоҳ йўланмалари ажратилди. 34 нафари муҳтожлигига қа-

раб зарур реабилитация техник воситалари ва протез-ортопедия махсулотлари билан таъминланди.


Вилоят бўйича жами 576 нафар ўзгалар парваришига муҳтож шахс "Ёлғиз кекса" реестрига киритилган бўлиб, уларга 80 нафар ижтимоий ходим ассистенти уйда ижтимоий-маиший хизматлар кўрсатиб келмоқда.

Ижтимоий ходимлар ишлаш истаги бўлган, тиббий ижтимоий экспертиза комиссияси меҳнат фаолиятини амалга ошириши учун ижобий хулоса берган 7 381 нафар фуқаро ўртасида сўровномалар ўтказди, улардан 1 553 нафари ишлаш истагини билдирди. Худудлар ва тармоқлар **vacancy. args.uz** сайтга 229 та янги иш ўринлари танловга чиқди, натижада 66 нафар ногиронлиги бўлган шахс суҳбат жараёнидан ижобий хулоса олган ҳолда ишга қабул қилинди.

Амалга оширилаётган ислохотлар, узатилаётган ёрдам қўллари, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, барча-барчасидан қўзланган асосий мақсад — шу халқнинг розилигидир. Одамлар ўзини бахтли ҳис этиб яшар экан, юртда тинчлик ва фаровонлик ҳукм суради.



Одамлар ўзини бахтли ҳис этиб яшар экан, юртда тинчлик ва фаровонлик ҳукм суради.



Ўзбекистонлик
12 НАФАР ҲАКАМ
«Париж-2024»
Олимпиадаси
беллашувларини
бошқариб боради.



Олимпиадада
8 нафар хорижлик
спортчи ЎЗБЕКИСТОН
БАЙРОҒИ ОСТИДА
медаллар учун
курашади.



Футзал бўйича
Ўзбекистон аёллар
терма жамоаси
Хитойда ўтказилган
халқаро турнирда
ҒОЛИБ БЎЛДИ.

ТАҲЛИЛ

СЕМИНАР

Алимент машмашаси: меҳрни ким ундириб беради?

Ўзбекистонда 9,7 миллиондан ортиқ оила бор. Йилга ўртача 250-300 мингта янги никоҳ тузишмоқда. Аммо, шун билан бирга, ҳар йили уларнинг 45-49 мингтаси ажрашади. Бу ўртача 45 минг нафар бола «тирик етим» бўлишига, яъни ё онасиз, ё отасиз қолишига маҳкум дегани.

Нилуфар ЮНУСОВА.

Жамиятимизда эр-хотин ажрашди, аксарият ҳолларда аёл фарзандлари билан эрининг уйдан чиқиб кетади. Яна битта ижтимоий ҳимояга муҳтож оила пайдо бўлади. Афсуски, низолар бошланиши билан кўпчилик эрақлар мол-мулкни ота-онаси ёки бошқа қариндошининг номига ўтказишга ошиқади. Камдан-кам ҳолатда эр хотини ва болаларига бошпана қилиб бериши мумкин.

Алимент қандай ундирилади?
Қонунчилигимизда ота-она фарзандини вояга етгунига қадар боқишга, яъни моддий жиҳатдан таъминлаш ва тарбиялашга мажбурлиги белгиланган. Агар улардан бири (баъзида иккаласи) бола таъминотидан бош тортса, қонунга мувофиқ, бола парвариши учун маблағни ундириш тартиблари – алимент ундируви қатъий мустаҳкамланган.

Оила кодексининг 14-бобда ота-она ҳамда болаларнинг алимент ҳуқуқи ва мажбуриятлари батафсил белгиланган. Унга кўра, алимент ойлик иш ҳақидан келиб чиқиб ёки энг кам иш ҳақининг белгиланган миқдори бўйича ундирилади. Бундан бош тортган шахслар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин.

Айрим фуқаролар алимент ундириш учун фақатгина ажрашишдан сўнг ариза бериш керак, деб ўйлашади. Аслида,



болани боқишга маблағ ундириш борасида никоҳда бўлган даврда, шунингдек, никоҳ бекор қилинганидан кейин ҳам мурожаат қилса бўлади.

Ўзбекистонда ҳар йили алимент ундириш бўйича 45 мингдан ортиқ суд ҳужжати чиқарилади. Давлат ижро органлари назоратида бўлган ҳолатлар сони 240 мингдан ошади. Жиноий судлар ҳар йили 3 мингдан зиёд алимент тўламаганлар ишини кўриб чиқади. Алиментга оид энг кўп ижро ишлари Самарқанд, Андижон ва Фарғона вилоятлари қесимида тўғри келади. 135 минг нафардан ортиқ фуқаро ишсизлиги сабабли алимент маблағларини ундиришда муаммолар юзага келмоқда.

Нафақат Ўзбекистон, балки глобал миқёсда алимент ундириш масаласи долзарб йўналишлардан бири ҳисобланади. Хусусан, Россия, АҚШ, Грузия, Молдова, Украина ва яна бир қатор давлатлар қонунчилигида алимент тўлашдан бўйин товлаганларни жамоатчилик ишларига жалб қилиш белгиланган бўлиб, ишлаб топилган маблағ қарздорликни тўлашга

йўналтирилади.

Қанча оила яраштирилади?

Ҳар қандай ҳолатда оилани сақлаб қолиш учун барча бирдек ҳаракат қилиши керак. Бу фақат эр ва хотиннинг эмас, фарзандлар тақдири, келажаги, руҳий ҳолатига боғлиқ масала. «Майли, ажрашингиз, дейлик, алимент бўйича муаммоларни ҳал қилдингиз. Мажбурий ижро бюроси маблағни ундириб беради, аммо меҳрни кимдан сўраб оласиз? Оталик муҳаббатини қаердан топасиз?», деган савол кўндаланг кўйилса, айримларнинг чуқурроқ мулоҳаза қилишига, хатосини тушуниб етишга, қароридан қайтишга туртки бўлиши мумкин.

Айнан шу йўналишда мутасадди идоралар билан ҳамкорликда олиб борилган тушунтириш ва профилактика ишлари натижасида 20 мингдан ортиқ оиланинг яраштирилишига эришилди.

Инсон ҳақиқий бахтни фақат оиласида топади. Айниқса, фарзандлар меҳри, уларнинг беғубор кулгуси ўрнини ҳеч нарса тўлдиролмайди. Шу маънода дилбандига меҳр бериш, уни баркамол

қилиб вояга етказиш чинакам инсоний бурчдир. Бу масъулиятни ҳеч ким, ҳеч қачон ёдидан чиқаришга ҳаққи йўқ.

Маълумот учун:

– жорий йилнинг ўтган даврида Бюро органлари қарздорлиги туфайли 5 366 нафар жисмоний шахсга нисбатан қидирув эълон қилган.
– алимент тўлаш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарорини бажаришдан бўйин товлаган шахсларнинг 6 826 нафари маммурий ҳамда 644 нафари жиноий жавобгарликка тортилган.



“БОҒДОД ТАЖРИБАСИ”: БОДОМНИНГ ҲАТТО ХОРИЖДА ҲАМ ХАРИДОРИ БОР



Фарғона вилоятинда хотин-қизлар бағдоднинг таъминлаш, тадбиркорлигини ривожлантиришда “Боғдод тажрибаси” бўйича Республика амалий ўқув семинари бўлиб ўтмоқда.

Ўқув-семинар иштирокчилари «Гулнора Матқуллобод бодомлари» кооперацияси иш фаолияти билан ақиндан танишишди. Гулнора Усмонова раҳбарлик қилаётган бу корхонада 500 нафарга яқин хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Улар юртимизда етиштирилаётган бодомларни қадоқлаб, нафақат маҳаллий бозорларга, балки чет мамлакатларига сифатли қилиб етказиб бермоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу ерда меҳнат қилаётган барча ишчилар боғдодлик аёллар бўлиб, улар ҳамма вазифани ўзлари амалга оширади. Маҳсулотни етказиб берувчи хайдовчидан тортиб, юк ташувчисигача аёллар. Ушбу тадбиркорликни янада кенгайтириш мақсадида шу йил вилоят ҳокимлиги бино ажратиб бергани, хотин-қизлар учун янги иш ўринлари яратилишига пойдевор бўлмоқда.

Семинар қатнашчилари тумандаги “Чекхитой” маҳалла фуқаролар йиғинидаги 65 нафар хотин-қизни иш билан банд қилган Дилсевар Ғоziева раҳбарлик қилаётган “Ориент органик” гигиеник табиий воситани қайта ишлаш кооперациясида иш жараёнилари билан танишди. Шунингдек, 50 дан зиёд янги ишчи ўрни яратган Ибодатхон Ҳалимова раҳбарлигидаги кооперация билан ўзаро тажриба алмашди.

Республика амалий семинари дастуридан ўрин олган Учкўприк туманидаги “Бобшбек” ишлаб чиқариш ва савдо мажмуасида кооперация асосида олиб борилаётган ишлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Мазкур мажмуада 95 та трикотаж ишлаб чиқариш корхонаси фаолият олиб бормоқда. Унда 1 500 нафар хотин-қиз бандлиги таъминланган. Биргина “Бобшбек” маҳалласида 250 та хонадонда кичик цехлар ташкил этилиб, унда 2 500 нафардан зиёд хотин-қиз меҳнат қилмоқда.

Семинар давомида вилоятнинг ҳар бир ҳудудига аёлларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилиши режалаштирилган кооперация лойиҳалари тақдими бўлиб ўтди.

Оила ва хотин-қизлар қўмитаси матбуот хизмати.

БИЛАСИЗМИ?



ЗЎРАВОНГА ЖАЗО ТАЙИН!

Конунчиликка кўра, жисмоний зўравонлик – хотин-қизларга нисбатан оғирлиги турли даражада бўлган тан жароҳатлари етказиш, хавф остида қолдириш, ҳаёти хавф остида қолган шахсга ёрдам кўрсатмаслик, зўравонлик хусусиятига эга бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этиш, жисмоний таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказишнинг ўзга чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали хотин-қизларнинг ҳаёти, соғлиги, эркинлиги ҳамда қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ва эркинликларига тажовуз қиладиган зўравонлик шакли ҳисобланади.

Хотин-қизларни таъсир ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Оиладаги барака — эр ва хотиннинг биргаликдаги ҳаракатида

ТАЖРИБА

Кундан-кунга одамларнинг шижоати ортиб, янги-янги йўналишларда ўзини синаб кўрмоқда. Авваллари ўт босиб ётган томорқаларга ишлов бериб, катта-катта даромад олаётганлар сонин анча ортган.

Олмахон ТҲУХТАСИНОВА, Марҳамат туманидаги “Шомат” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Айримлар йил-ўн икки ой давомида полизда етиштирилган маҳсулотларини пуллайпти. Шунга яраша аҳолининг турмуш шароити анча яхшиланиб қолган. Қўшнилар бир-бирига иш ўргатиб, тажрибасини оширяпти.

Маҳалламизда иссиқхонага қизиқувчилар жуда кўп. 64 та хонадонга субсидия асосида иссиқхона куриб берилди. Кузда экилган бўлғор қалампирининг ҳар килограммини 50-35 минг сўмдан пуллашди. Бодринг, қулупнай, кўкатларни март ойидан буён сотишда давом этияпти. 17 та хонадон эгалари лимон етиштириш бўйича илғор. Йилдан-йилга янги усул ва амалиётларни қўллаб, ҳосилдорлигини ошириб келмоқда.

Манзура Абдуллаева ховлисидаги 2 сотихли иссиқхонада бўлғор қалампирини ва қулупнайнинг хориждан олиб келинган янги навини етиштирмоқда. У махсус ётишларга экилади, худди мажнунтолға ўхшаб пастга осилиб ўсади. Ҳосилдорлиги маҳаллий навларга нисбатан анча юқори. Кишин-ёзин пишиб тугамайди. Ҳозир бу хонадон эгалари уни кўчат қилиб сотишни йўлга қўйишган. Харидорлари жуда кўп.

Манзура томорқадан ташқари, тикувчилик билан шуғулланади. 5 нафар ишчиси билан бирга кўрпа-тўшак, келин-сарпо ҳамда пардалар тикади. Унинг ҳаракатчанлигига қараб, аёл нима истаса, барчасига имкон топади, деб қўяман. Асосийси, ички хоҳиш ва ҳаракат бўлса бас. Ҳеч қандай қийинчилик тўсиқ бўлмайди. Айниқса, турмуш ўртоғининг кўмаги ва қўллаб-қувватлаши унга куч ва ғайрат бағишлайди. Доим елкама-елка

ишлашади. Бир-бирига кўмакчи.

Маҳалламиздаги 8 та хонадонда эр-хотин биргаликда ўз тадбиркорлигини йўлга қўйган. Хусусан, Турсунно Ақромова ва турмуш ўртоғи ўриндик ва ётоқ мебеллари ясаб, кераклик анжомларини ўзи тикади. Унга ва доимий ёрдамчиси бўлган Руқия Ақромжоновага маҳалла тавсияси билан субсидия асосида тикув машинаси олиб берилди. Улар билдирилган ишонч ва тақдим этилган имкониятдан унумли фойдаланиб, анчагина миқдорлар орттирган.

Саидохон Мирзаумарова турмуш ўртоғи билан бешик ясаб, тайёр ҳолатга келгунга қадар ишлов беришади. Агар оилада эр ва хотин бирга ҳаракат қилса, рўзғорда барака бўлар экан. Ҳамкорликда, келишиб ишлаётган хонадонлар мисолида бунга яққол ғувоҳ бўляпман. Бу – оилалар мустаҳкамлигини таъминловчи асосий омил демак.

Санобар Мугалибованинг 2 нафар ногиронлиги бўлган фарзанди бор. 24 ёшга кирган қизи ва 19 ёшли ўғли юртолмайди. Шунга қарамай, аёл мустаҳкам ирода билан уларни парвариш қилапти. Бундан ташқари, 10 та новвос, 100 та курка ва 12 қути асалари боқади. Ўзи қўлбала туварлар ясаб, хонаки

гулларни кўпайтиришга қизиқади. Мактаб ҳамда боғчаларга эҳсон сифатида тарқатади. Бу машғулот унга завқ бағишлайди. Аёлнинг қилган меҳнатлари бесамар кетмади. 2023 йилда “Обод маҳалла”, “Обод кўча”, “Обод хонадон” мезонлари бўйича “Энг намунали оила”, деб эътироф этилди. Мукофот учун Умра сафарига 2 кишилик йўлланма берилди.

Атрофимда шундай интилувчан ва шижоати банд аёллар борлиги менга куч бағишлайди. Уларни бошқа аёлларга намуна қилиб кўрсатишдан чарчамайман. Иш жараёнида кўпроқ қийналган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳамда нотинч оилаларга эътибор қаратаман. Эрталабдан кўчабошиларга кўнғирок қилиб, вазиятни ўрганаман. Қайсидир оилада юзага келган нотинчликни кечиктирмай ўрганишга ҳаракат қиламан. 4 та ниволи ва 2 та ажралиш арафасидаги оилалар доимий назоратим остида.

Тақлим: маҳаллада нуруний, кекса онахонлар ва ёшлар ўртасида кўпроқ учрашув ва суҳбатлар ташкил этиш керак. Сўзлаб берилган ҳаётий тажриба ва бошдан кечирилган синовили дамлар арзимас сабаблар билан турмушдан нолиб юрган келинларга катта мактаб бўлади.

